

**ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИ ҲУЗУРИДАГИ ТАРИХ  
ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ PhD ИЛМИЙ  
ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ PhD.02/09.07.2020. Tar.120.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**КАМОЛИДДИН БЕХЗОД НОМИДАГИ  
МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ**

**ОРИФЖОНОВА ГУЛРАЪНО РАВШАН ҚИЗИ**

**XIX – XX АСР БОШЛАРИГА ОИД ЎЗБЕКИСТОН ЭТНОМАДАНИЙ  
МЕРОСИНИ САҚЛАШ, ТАДҚИҚ ЭТИШ ВА НАМОЙИШ  
ЭТИШНИНГ ТАРИХИЙ-МАДАНИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

**17.00.06 – Музейшунослик. Тарихий-маданий объектларни консервация қилиш,  
таъмирлаш ва сақлаш**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation**

**Орифжонова Гулраъно Равшан қизи**

XIX – XX аср бошларига оид Ўзбекистон этномаданий меросини сақлаш,  
тадқиқ этиш ва намоиш этишнинг тарихий-маданий жиҳатлари ..... 3

**Орифжонова Гулраъно Равшан қизи**

Историко-культурные аспекты сохранения, изучения и представления  
этнокультурного наследия Узбекистана XIX – начало XX веков..... 25

**Orifjonova Gulrano Ravshan qizi**

Historical and cultural aspects of the conservation, research and exhibition of the  
ethno-cultural heritage of Uzbekistan of the XIXth – early XXth centuries..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 51

**ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИ ҲУЗУРИДАГИ ТАРИХ  
ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ PhD ИЛМИЙ  
ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ PhD.02/09.07.2020. Tar.120.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ  
МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ**

**ОРИФЖОНОВА ГУЛРАЪНО РАВШАН ҚИЗИ**

**XIX – XX АСР БОШЛАРИГА ОИД ЎЗБЕКИСТОН ЭТНОМАДАНИЙ  
МЕРОСИНИ САҚЛАШ, ТАДҚИҚ ЭТИШ ВА НАМОЙИШ  
ЭТИШНИНГ ТАРИХИЙ-МАДАНИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

**17.00.06 – Музейшунослик. Тарихий-маданий объектларни консервация қилиш,  
таъмирлаш ва сақлаш**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.4.PhD/Tag593. рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://www.history-museum.uz>) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Раҳимова Зухра Ибрагимовна**  
санъатшунослик фанлари номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Давлатова Саодат Тиловбердиевна**  
тарих фанлари доктори

**Қаюмов Асрор Раимович**  
тарих фанлари номзоди

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат педагогика университети**

Диссертация химояси Ўзбекистон давлат тарихи музейи ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD 02/09.07.2020. Tag.120.01-рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «22» 07 соат 14 дақиқадаги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Шароф Рашидов кўчаси, 3-уй, Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Кичик мажлислар зали). Тел.: (99871) 239-10-83; факс: (99871) 239-44-25; e-mail: [info-historymuseum@academy.uz](mailto:info-historymuseum@academy.uz) Ўзбекистон тарихи давлат музейи).

Диссертация билан Ўзбекистон давлат тарих музейининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1271 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Шароф Рашидов кўчаси, 3-уй). Тел.: (99871) 239-10-83; факс: (99871) 239-10-83.

Диссертация автореферати 2021 йил «26» 06 куни тарқатилди.  
(2021 йил «24» 06 дақиқадаги 2 рақамли реестр баённомаси.)



**Ж.Х. Исмаилова**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**А.Ф. Исмаилов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, п.ф.ф.д. (PhD),  
катта илмий ходим

**Б.В. Хасанов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги Илмий семинар  
раиси, т.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида кечаётган ҳозирги глобаллашув шароитида этномаданий меросни сақлаш ва намойиш этиш муҳим вазифалардан бирига айланиб бормоқдаки, бу ҳар бир халқнинг ўз тарихи ва маданиятини чуқурроқ англашга интилаётганини билдиради. Йирик хорижий музейларда этнографик коллекцияларнинг тўпланиши, сақланиши ва намойиш этилиши ўша мамлакат аҳолиси яратган моддий-маданий ёдгорликлар тарихи билан яқиндан танишиш имконини беради. Жаҳон музейшунослигида дунё музейларида сақланаётган этномаданий меросни асраш, тадқиқ қилиш ва намойиш этиш орқали музей туризмни ривожлантириш етакчи масалалардан бирига айланди.

Дунё халқларининг этномаданий меросни сақлаш, уларни намойиш этиш ва тарғиб қилиш ҳамда келажак авлодга етказиб беришда этнографик музейлар концепциясини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Моддий ва номоддий меросни сақлаш мақсадида этнографик музейларни илмий асосда ташкил этиш учун ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш ва амалиётга олиб кириш долзарб вазифалардан бирига айланди. Хусусан, хориж музейларида бошқа халқларнинг этномаданий меросини ёритувчи экспозиция ҳамда бурчаклар мавжуд бўлиб, ҳозирда улар тўғрисида илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Мустақиллик йилларида этномаданий мерос намуналарини қайта тиклаш, сақлаш борасида Ўзбекистоннинг халқаро майдонда иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқалар олиб бориши, замонавий цивилизация тизимида ўз ўрнига эга бўлиши, амалий санъат намуналари доирасида жаҳон маданиятига ўз хиссасини қўшишига ҳам эътибор қаратиб келинмоқда.

«2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги» фармонида<sup>1</sup> белгиланган Ўзбекистонда ва хорижда кенг кўргазма фаолияти орқали музейларда сақланаётган ноёб экспонатларни жаҳон миқёсида тарғиб этиш каби вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 майдаги ПФ-6000-сон «Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони, 2017 йил 31 майдаги ПҚ-3022-сон «Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида» ги, 2018 йил 19 декабрдаги ПҚ-4068-сон «Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // <http://strategy.regulation.gov.uz>

**Тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишига боғлиқлиги.** Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** XIX – XX аср Ўзбекистон этномаданий меросини сақлаш, тадқиқ этиш ва намойиш этишининг ўзига хос хусусиятларига доир илмий адабиётлар хронологик жиҳатдан уч гуруҳга бўлиб ўрганилди.

*Биринчи гуруҳга* XIX асрнинг иккинчи ярми – XX асрнинг 40-йилларига қадар яратилган асарлар киритилди. XIX асрда Марказий Осиёга ташриф буюрган сайёҳлар, ҳарбийлар, элчилар йўлномалари ва турли мақсадларда уюштирилган экспедиция сафарномаларида этномаданий меросга оид маълумотларни келтириб ўтганлар<sup>2</sup>. Шунингдек, XX асрнинг бошларидан – 40-йилларигача бўлган даврда тарихчи, этнограф, санъатшунос ва музей ходимлари тадқиқотларида ҳамда уларнинг экспедиция жараёнларида тўплаган этнографик коллекцияларида предметлар ҳақида маълумотлар учрайди<sup>3</sup>. Бироқ, ушбу тадқиқотлар экспедицияларда тўпланган предметлар доирасида чекланган бўлиб, асосий эътибор этномаданий меросни моддий кўринишда тўплов ишларига қаратилган.

*Иккинчи гуруҳга* оид адабиётларга XX асрнинг 50-йилларидан – 80-йилларигача бўлган илмий нашрлар киритилди. Уларда тураржойларнинг шаклланиш тарихи, типлари, кўринишлари, ҳунар турлари намуналари, кийим-кечаклар, матолар, каштадўзлик намуналари, зардўзлик, гиламлар, металл буюмлар, амалий санъат турлари ва музей иши фаолияти ўрганилган<sup>4</sup>. Музей ходимлари томонидан яратилган адабиёт, каталог, альбомларда

<sup>2</sup> Борнс А. Путешествие в Бухару. – М., 1848-1849. Ч. III. – С. 393, 410; Вамбери А. Путешествие по Средней Азии (Из Тегерана через Туркменскую пустыню по восточному берегу Каспийского моря в Хиву, Бухара и Самарканд. – М., 1867. – С. 145.; Гребенкин А. Д. Узбеки / Русский Туркистан. – М., 1872. Вып. 2; Хорошхин А. П. Сборник статей, касающихся до Туркестанского края. – СПб., 1876.

<sup>3</sup> Андреев М. С. Народные мастера Узбекистана. – Т.: Ўзбекистон давлат санъат музейи. Қўлёзма. Инв. № 1; Бикжанова М. А. Чеканка по металлу. – Т.: ЎзДСМ, 1941. Қўлёзма. Инв. № 21; Ўша муаллиф. Ювелирные изделия. – Т.: ЎзДСМ. Қўлёзма.; Писарчик А. К. Нуратинская вышивка. – Т.: ЎзДСМ. Қўлёзма.; Затворницкая В. С. Медно-чеканная посуда Бухары XIX и начало XX в. – Т.: ЎзДСМ. Қўлёзма. Инв. № 58; Русинова Н. Б. Старинная набойка Бухары. – Т.: ЎзДСМ. Қўлёзма. Инв. № 124; Сергеев Б. С. Материалы к изучению орнамента на медно-чеканных изделиях. – Т.: ЎзДСМ. Қўлёзма. Инв. № 444.

<sup>4</sup> Воронина В. Л. Народные традиции архитектуры Узбекистана. – М., 1951.; Чепелевецкая Г. Л. Сузани Узбекистана. – Т.: 1961. – С. 40.; Сухарева О. А. Позднефеодалный город Бухара конца XIX – начала XX века. Ремесленная промышленность. – Т.: изд. АН УзССР, 1962. – 194 с.; Мошкова В. Г. Ковры народов Средней Азии конца XIX – начала XX вв.: материалы экспедиций 1929-1945. – Т.: Фан, 1970. – 256 с.; Фахретдинова Д. А. Декоративно-прикладное искусство Узбекистана. – Т.: изд. литературы и искусства имени Гафура Гуляма, 1972. – 162 б.; Садиқова Н. С. Музейное дело в Узбекистане. – Т.: Фан, 1975. – 286 с.; Абдуллаев Т. А., Хасанова С. А. Одежда узбеков (XIX – начало XX в.). – Т.: Фан, 1978. – 115 с.; Нозилов Д. А. Халқ меъморчилиги. – Т.: Фан, 1982. – 96 б.; Гончарова П. А. Бухоро зардўзлиги санъати. – Т.: Гафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1986. – 119 с.; Абдуллаев Т., Фахретдинова А., Ҳакимов А. Маданга битилган кўшиқ. – Т.: Гафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. – 61 б.; Манақова В. Н. Художественная культура народного жилища Узбекистана. – Т.: Издательство литературы и искусства, 1989. – 184 с.

этнографик коллекциялар тўғрисида маълумотлар келтирилади<sup>5</sup>. Этноснинг тураржойлари, уларни қуришда қўлланиладиган хомашёлар, либосларга доир қарашлар акс этган мақолаларни ҳам кўриш мумкин<sup>6</sup>. Бу даврга оид тадқиқотлар асосан ҳунармандчилик соҳасининг маълум ҳудудий мактаб ва марказлар фаолияти ҳамда уларнинг ўзига хос фарқли хусусиятларини ўрганишга қаратилган.

*Учинчи гуруҳга* XX асрнинг 90-йилларидан то ҳозирги кунга қадар яратилган тадқиқотларни киритиш мумкин. Бу бевосита мустақиллик даври билан боғлиқ бўлиб, унда тарихчи, этнограф, санъатшуносларнинг ишлари ўзбек халқининг келиб чиқиши ва шаклланиши, диний эътиқодлари, этномаданий жараёнлар ҳамда Ўзбекистон этнографияси тарихи масалаларига бағишланган бўлса<sup>7</sup>, этнология йўналишидаги тадқиқотлар этномаданий мероснинг моддий кўриниши локал ва тур хусусиятлари таҳлил қилинган<sup>8</sup>. Шунингдек, чоп этилган қатор каталог ва альбомларда ҳам республика музейларининг этнография фонди материалларини ўрганилганлигини кўриш мумкин<sup>9</sup>. Бундан ташқари Ўзбекистон этномаданий меросини ўрганишга қаратилган йирик лойиҳаларда ҳам айнан хориж музейларида сақланаётган экспозициялар ҳақида ёритилади<sup>10</sup>.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида музейлар фаолияти ва музейшуносликка бағишланган илмий асарларда мавзуга доир назарий

<sup>5</sup> Ўзбекистон санъат музейи / йўлқўрсатғич. – Т.: Ўзбекистон, 1965. – Б. 22-27.; *Круковская С.М.* В мире сокровищ. – Т.: Издательство литературы и искусства имени Гафура Гуляма, 1982. – 232 с.

<sup>6</sup> *Писарчик А.К.* Строительные материалы и конструктивные приемы народных мастеров Ферганской долины в XIX – начале XX в. // Среднеазиатский этнографический сборник. Вып. 1. – М., 1954. – С. 216-298.; *Ремпель Л.И.* Архитектура старого Джуйбара // Архитектурное наследие Узбекистана (сборник статей). – Т.: Издательство академии наук Узбекистана, 1960. – С. 162-220.; *Абдурасулев Р.А.* Архитектура народного жилища Узбекистана // Архитектурное наследие Узбекистана (сборник статей). – Т.: Издательство академии наук Узбекистана, 1960. – С. 6-37.; *Рассудова Р.Я.* К истории одежды оседлого населения Ферганского, Ташкентского и Зеравшанского регионов // СМАЭ. – 1978. – Т. – С. 154–174

<sup>7</sup> *Шониёзов К.* Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Т.: Шарқ, 2001. – 464 б.; *Дониёров А. Х.* Мустақил Ўзбекистон этнографияси тарихшунослигининг айрим масалалари. – Т., 2003. – 43 б.; *Абдуллаев У.* Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар (XIX – XX аср). – Т.: Янги аср авлоди, 2005; *Аширов А.* Ўзбекларнинг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Т.: Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. – 274 б.

<sup>8</sup> *Ундерова Л. В.* Узбекская народная одежда конца XIX – XX вв. – Т.: Фан, 1994. – 104 с.; *Содиқова Н.* Ўзбек миллий либослари XIX – XX асрлар. – Т.: Шарқ, 2003.; *Богословская И., Левтева Л. Г.* Тубетейки Узбекистана XIX-XX веков. Альбом. – Т.: mega BASIM, 2006.; *Хасанбаева Г. К.* Тўқимачилик дизайн тарихи. – Т.: Ўзбекистон, 2006.; *Зунунова Г.* Материальная культура узбеков Ташкента: трансформация традиций (XX – начало XXI в.). – Т.: Extremum-press, 2013. – 320 с.; *Торебаев Б. П.* Основы дизайна текстильных изделий. – Т.: Tafakkur qanoti, 2013.; *Голь Э.* Сады небесные и сады земные. Вышивка Узбекистана. Скрытый смысл сакральных текстов. – М.: Марджани, 2013. – 208 с.; *Давлатова С.* Ўзбек анъанавий хунармандчилиги тарихий жараёнлар контекстида (Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари мисолида) тарихий-этнологик тадқиқот. – Т.: Янги нашр, 2018. – 368 б.

<sup>9</sup> *Buxoro Davlat me'moriy-badiiy muzey-qo'riqxonasi.* Katalog. – Т.: ООО Dizayn Poligraf, 2004. – 223 б.; *Farg'ona viloyat o'lashunoslik muzeyi.* Katalog. – Т.: ООО Dizayn Poligraf, 2005.; *Ўзбекистон давлат сан'ат музейи.* – Т.: ООО Dizayn Poligraf, 2005. – 263.; *Ўзбекистон давлат санъат музейи ноёб хазинасидан // А. Ҳақимов, Б. Файзиёва.* – Т: Baktria press, 2014. – 236.; *Ўзбекистон маданий yodgorlikari hazinasi: albom / katalog.* *Ўзбекистон тарихи давлат музейи.* – Т.: San'at jurnali nashriyoti, 2018. – 298 б.

<sup>10</sup> *Ўзбекистон маданий мероси муаллифлик туркуми:* Шарқ Давлат музейи. – Т.: Uzbekistan Today, 2016. – 440 б.; *Ўзбекистон маданий мероси муаллифлик туркуми:* Россия Этнография музейи. Китоб-альбом. – Т.: Uzbekistan Today, 2016. – 440 б.; *Ўзбекистон маданий мероси муаллифлик туркуми:* Ўзбекистон каштачилиги ва гиламлари хорижий тўпламларда. – Т.: Uzbekistan Today, 2016. – 448 б.; *Ўзбекистон маданий мероси муаллифлик туркуми:* Давлат Эрмидажи. – Т.: Uzbekistan Today, 2017. – 496 б.



асослар келтириб ўтилган<sup>11</sup>. Ўзбекистондаги тарих ва ўлкашунослик музейлари, музей иши тарихи, музей фондлари, жаҳон музейларида Ўзбекистонга оид коллекцияларнинг шаклланиши ҳамда музей туризми ривожда этнографик музейларнинг тутган роли, XIX – XX асрларга оид ўзбек аёллари миллий кийимлари тарихи, виртуал музейлар яратишнинг жаҳон тажрибаси ва Ўзбекистонда уларнинг ривожланиш истиқболлари, музейда тарих фанини ўқитишда дидактик экспозицияларнинг ўрни масалаларига бағишланган тадқиқотларда қамраб олинган<sup>12</sup>. Диссертацияда Ўзбекистон музейлари фаолияти, хориж музейларида тўпланган коллекциялар, ўзбек миллий либослари ва анъанавий қадриятларига эътибор қаратилган ўқув қўлланма, дарслик ва монографиялардан ҳам унумли фойдаланилди<sup>13</sup>.

Республика музейлари этнографик коллекцияларини ва этномаданий меросини турларига кўра тадқиқ этиш, этномузей яратиш масалалари қатор мақолаларда ҳам ёритилган<sup>14</sup>. Бу даврнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири – Ўзбекистон этномаданий меросининг хориж мутахассислари томонидан ўрганилиши бўлди<sup>15</sup>. XIX – XX аср бошларига оид Ўзбекистон

---

<sup>11</sup> Маньковская Л.Ю. Бухара: музей под открытым небом. – Ташкент, 1991. – 255 с.; Бекмуродов М., Рашидов М. Музейшунослик. – Ташкент, 2006. – 102 б.; Илалов И. Музееведение. – Т.: Муסיка, 2006. – 357 с.; Фузаилова Г., Хасанова М. Музееведение. – Ташкент, 2008. – 192 с.; Исмаилова Ж. Х., Левтеева Л. Г. Музеи, галереи, арт центры Ташкента. – Т.: Fan va texnologiya, 2017. – 234 б.; Kuryazova D. T. Muzei ishi tarixi va nazariyasi. – Т.: O'qituvchi, 2007. -160 б.;

<sup>12</sup> Альмеев Р.В. Музеи Узбекистана и социально-культурные перспективы их развития (1991 – 2000 г.г.): автореф. на соискание уч. степ. доктора ист. наук. – Ташкент, 2012. – 50 с.; Курязова Д. Т. Ўзбекистон музейлари ва уларнинг мустақиллик давридаги фаолияти (тарих ва ўлкашунослик музейлари фаолияти мисолида) тарих фан. ном. дисс... автореферати. – Ташкент, 2009. – 30 б.; Қурбонова Д. А. Хориж музейларида сақланган теурийлар даврига оид тарих ва маданий ёдгорликлар. Тарих фан. ном. дисс... автореф. – Ташкент, 2009. – 30 б.; Ўша муаллиф. Жаҳоннинг йирик музейларида Ўзбекистонга оид коллекцияларнинг шаклланиши ва уларни комплекташ тамойиллари. Тарих фан. док. дисс. – Ташкент, 2020. – 230 б.; Миралиева Ш. А. Виртуал музейлар яратишнинг жаҳон тажрибаси ва Ўзбекистонда уларнинг ривожланиш истиқболлари. Тарих фан. фалсафа док. автр.– Ташкент, 2019. – 54 б.; Гайбуллаева Ю. А. Ўзбек аёлларининг миллий кийимлари тарихи (XIX – XX асрлар). Тарих фан. фалсафа док. автр. – Ташкент, 2019. – 55 б.; Исмаилов А. Ф. Академик лицейларда тарих фанини ўқитишнинг инновацион технологияларини такомиллаштириш. Педагогика фан. фалсафа док. автр. – Ташкент, 2019. – 50 б.; Мухамедова М.С. Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарларидаги музейлаштирилган объектларда туризмнинг шаклланиши ва ривожланиш истиқболлари (XX асрнинг II ярми – XXI аср бошлари). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. – Ташкент, 2020. – 49 б.

<sup>13</sup> Исмаилова Ж. Х., Мухамедова М. С. Замонавий жаҳон музейшунослиги. Ўқув қўлланма. – Ташкент, 2013. – 310 б.; Исмаилова Ж. Х., Нишанова К. С., Мухамедова М. С. Музей ва жамият. Олий таълим муассасалари учун дарслик. – Ташкент, 2015. – 174 б.; Мухамедова М. С. Музейшунослик соҳасини ривожлантиришда миллий ва халқаро ташкилотлар фаолиятининг ўрни (XX - XXI асрлар). – Ташкент, 2017. – 297 б.; Қурбонова Д. А. Дунё музейларидаги меросимиз. – Ташкент, 2017. – 166 б.; Камилова Х. Х., Рахимова З. И., Раҳматуллаева У. С. Ўзбек миллий либослари ва анъанавий қадриятлар. – Ташкент, 2018. – 332 б.

<sup>14</sup> Рахимова З. И. Среднеазиатский женский костюм на миниатюрах Мавераннахра XVI – XVIIвв. // Культура Среднего Востока. Изобразительное и прикладное искусство. – Т.: Фан, 1990. – С. 135-151.; Гюль Э. Бухоро заргарлик санъати (шаклий хусусиятлари) // Санъат. 2003. № 4. – Б. 23-26.; Левтеева Л. Дунган либослари ва тақинчоқлари // Санъат. 2005. № 3-4. – Б. 18-20.; Удовенко О. Бухоронинг гаройиб чодирлари // Санъат. 2011. № 4. – Б. 15-16.; Ҳакимов А. Ўзбекистон давлат санъат музейи коллекциясидаги ноёб сўзанапар // Санъат. 2014. № 2. – Б. 13-17.; Ўша муаллиф. Ўзбекистон давлат санъат музейидаги дубулга // Мозийдан садо. 2014. № 4. – Б. 12.

<sup>15</sup> Harvey J. Traditional Textiles of Central Asia. London: Thames & Hudson, 1996.; Kalter J. Uzbekistan. London, 1997.; Grube E. J. Keshte: Central Asian Embroiders. New York: Marshall and Marilyn R. Wolf. New York, 2003.; Vok I., Taube J. Vok Collection: Suzani 2. A Textile Art from Central Asia. Munich, 2006.; Gibbon K. F., Hale A. Uzbek Embroiders in the nomadic tradition. Minneapolis Institute of Arts. 2007.; Erber Ch. Large,



этномаданий меросини ўрганган мутахассисларнинг асарлари<sup>16</sup>, этномаданий мерос, уни сақлаш, тадқиқ этиш, намойиш этиш, этнографик музейшуносликнинг ривожланишига бағишланган жаҳонда олиб борилган илмий тадқиқотлар ҳамда ўтказилган форум материаллари ўрганилган хорижий адабиётларни ташкил этади<sup>17</sup>. Шунга қарамай, мазкур тадқиқотларда Ўзбекистон этномаданияти тарих, этнография, санъатшунослик нуқтаи назаридан ўрганилган бўлиб, Ўзбекистоннинг турли ихтисослик музейлари, хорижда сақланувчи этнографик коллекция ва предметларини яхлит тарзда, экспозицияга қўйиш методлари нуқтаи назаридан тадқиқ этилмаган. Бу эса республика этнографик меросининг барча хусусиятларини кенг ва ҳар томонлама намойиш этадиган музей яратилиши долзарб илмий аҳамиятга эғалигини кўрсатади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Ўзбекистон Бадиий академияси Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ПЗ-2017-0930306 рақамли «Ёшларда қатъий фуқаролик позициясини шакллантиришда тасвирий санъат имкониятларини татбиқ этиш» (2018-2021 й.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** XIX-XX аср бошларига оид Ўзбекистон этномаданий меросини сақлаш, тадқиқ этиш ва намойиш қилишнинг тарихий-маданий жиҳатлари асосида Этнография музейи концепциясини ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

Ўзбекистон этномаданий меросини ўрганишнинг тарихшунослигини таҳлил қилиш;

этнографик предметлар асосида экспозиция ташкил этишнинг замонавий методларини кўрсатиб бериш;

республиканинг турли ихтисосликдаги музейларида мавжуд экспозиция

---

larger, largest...Large medallion Suzanis in German Collections // Oriental Carpets and Textile Studies.VII. ICOC. 2011. Embroidery and carpets of Uzbekistan in collections abroad. Volume IV. <https://legasy.uz/tom-02/>

<sup>18</sup> *Сухарева О. А.* Сузани: Среднеазиатская декоративная вышивка. – М.: РАН, 2006. – 159 с.; *Oriental Dreams: Russian Avant-Garde and Silk of Bukhara: [exhibition catalogue].* – Saint-Petersburg, 2006. – 218 с.; *Во дворцах и шатрах: исламский мир от Китая до Европы. Государственный Эрмитаж.* 2008. – 412 с.

<sup>17</sup> *Молчанова Н. В.* Проблемы экспонирования этнографические предметы в музеях Российской Федерации / Маг. диссертация. – Санкт-Петербург, 2016. – С. 80.; *Степанова Л. Б.* История собирательства Якутских этнографических коллекций в музеях Якутска и Санкт-Петербурга (1865 – 1968). Диссертация на соискание ученой степени кандидата исторических наук. – Якутск, 2010. – 411 с.; *Смелякова А. В.* Казахские этнографические коллекции в музейных собраниях Западной Сибири. Диссертация на соискание ученой степени кандидата исторических наук. – Омск, 2008. – 340 с.; *Этнографические музеи сегодня. Антропологический форум. № 6.* – С.127-128.; *Чистов Ю. К.* Этнографический музей: уважай прошлое, твори будущее / Феномен идентичности в современном гуманитарном знании: к 70-летию академик В.А.Тишкова. – М.: Наука, 2011. – С. 357.; *Матвеева П. А.* Всемирные выставки как прототипы этнографических музеев. – С.72. // Электронная библиотека Музея антропологии и этнографии им. Петра Великого (Кунсткамера) РАН. [http://www.kunstkamera.ru/lib/rubrikator/08/08\\_03/978-5-88431-228-9/](http://www.kunstkamera.ru/lib/rubrikator/08/08_03/978-5-88431-228-9/); *Аброскина Е.Б.* Экспозиция этнографического музея: от Крыжановского до Бежковича // Музей – памятник – наследие. – Санкт-Петербург, 2017. № 1. – С. 172.; *Москвитина А. Ю.* Компаративное этномузеєведение и этноискусствоведение (на примере материальной культуры народов тропической Африки). – С. 276 // Электронная библиотека Музея антропологии и этнографии им. Петра Великого (Кунсткамера) РАН [http://www.kunstkamera.ru/lib/rubrikator/08/08\\_02/978-5-88431-235-7](http://www.kunstkamera.ru/lib/rubrikator/08/08_02/978-5-88431-235-7).

ва коллекцияларни тавсифлаш ҳамда таснифлаш;

хориж музейларидаги этнографик коллекцияларни таҳлил қилиш;

Этнография музейини яратиш концепциясига доир қарашларни ўрганиш;

музейнинг мавзули режасини шакллантиришдаги ўзига хос жиҳатларни очиб бериш;

ўрганилган масалалар юзасидан илмий хулосалар чиқариш ва мазкур музей ташкил этилишига доир амалий таклиф ҳамда тавсияларни билдиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида XIX – XX аср бошларига оид Ўзбекистон этномаданий меросини сақловчи ва намойиш этувчи республика (60 дан ортиқ турли ихтисосликдаги) ва хориж (Россия Этнография музейи, Кунсткамера, Берлин Этнология музейи, Бранли музейи Эрмитаж музейи ва ҳоказо) музейлари белгилаб олинди.

**Тадқиқотнинг предмети**ни Ўзбекистон ва хориж музейларидаги мавжуд XIX – XX аср бошларига оид этнографик коллекцияларнинг ўрганилиш тарихи, экспозицияда намойиш этиш методлари ҳамда этнографик музей яратиш ва унинг экспозициясини ишлаб чиқиш борасидаги қарашлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда тарихий-маданий ва қиёсий таҳлил, шунингдек, музейшуносликнинг тавсифлаш, таснифлаш, таққослаш, тизимлаштириш, кузатув усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

XIX аср охири – XX аср бошларида яшаган аҳоли турмуш тарзидаги ўзгаришлар тураржойлар интерьерлари (никель кроват, европача стил), уй-рўзғор буюмлари (Император ва Хитой чинниси), аёллар ва эркаклар кийимлари (мурсақ, европача костюм, фрак, кўзойнақ, дўппи, этик), касб-ҳунар турлари (европача ва чиновник типаж)да ўз аксини топганлиги тарихий-этнографик адабиётлар, архив ва фонд манбалари орқали аниқланган;

Ўзбекистонга оид этнографик коллекциялар жаҳон музейларига 1865-1930 йилларда тўпланиб, сараланиб етиб борганлиги, 1930-1940 йилларда таснифланганлиги, 1950-1990 йилларда кўргазма ва экспозицияларда намойиш этилганлиги ва 1991 йилдан миллий музейлар билан ҳамкорликнинг ўрнатилганлиги каби тарихий-тадрий босқичларда шаклланганлиги аниқланган;

Ўзбекистон музейлари экспозицияларида XIX аср охири – XX аср бошлари тарихи этномаданий ҳаётнинг даврий ўзгаришлари акс этирилмаганлиги аниқланган ва шу асосда номоддий мерос - фольклор, урф-одат, анъана ва маросимлар намойишига устиворлик берган ҳолда концептуал лойиҳа ишлаб чиқилган;

Ўзбекистонга оид этнографик коллекциялар хориж музейлари фондларига мақсадли ташкил этилган экспедициялар, хорижлик ихлосманд коллекционерлар ҳамда дипломатик муносабатлар натижасида етиб борганлиги, натижада ноёб моддий ва номоддий мерос намуналари Россия

Федерацияси, Германия, АҚШ, Буюк Британия, Франция каби давлатлардаги тарих, этнографик, бадий ихтисосликдаги музейлар қаторида шахсий коллекцияларни ҳам бойитишга хизмат қилганлиги тарихий материаллар асосида далилланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Музей коллекциялари ва предметлари асосида Ўзбекистонда этнографик музейшуносликнинг ривожланиш истиқболлари кўрсатиб берилган.

Ўзбекистоннинг музейларда сақланувчи этномаданий меросга бағишланган барча илмий адабиётлар ва бирламчи манбаларнинг ўзига хос умумий ва хусусий жиҳатлари, миқдор ва сифат даражаси аниқланган.

Олий ўқув юрти талабалари учун тарих, этнография, музейшунослик, санъатшунослик ихтисослик фанлари доирасида ўқув адабиётлар, маърузалар тайёрлашда фойдаланиш имконини берган.

**Тадқиқотнинг натижаларининг ишончлилиги** замонавий музейшунослик, шунингдек, тарих фанида эътироф этилган ёндашув ва усуллар қўлланилганлиги, музей соҳасига доир адабиётлар, ижтимоий фанлар соҳасига оид тадқиқотлар, Ўзбекистон ва хориж музейларида сақланаётган этнографик коллекция, предмет ва экспозицияларнинг ўрганилганлиги, уларни сақлаш, тадқиқ этиш ва намойиш этишга доир янги асосий қоидалар ва норматив ҳужжатлар ҳамда архив материаллари каби бирламчи манбаларга асосланилгани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларининг ваколатли идоралар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Музейшунослик кафедраси негизида ташкил этилган «Музей предметлари экспертизаси, консервация ва таъмирлаш» йўналиши талабаларига «Музей ашёларини илмий тадқиқ этиш», «Музейшунослик», «Санъат асарларининг физик-кимёвий экспертизаси» каби мутахассислик фанларни ўқитишда фойдаланилмоқда.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, XIX – XX аср бошларига оид Ўзбекистон ва хориж музейларида мавжуд этнографик коллекция ва предметларни, экспозиция ва унда қўлланилган методларни ўрганиш ва таҳлил этиш орқали Ўзбекистон этномаданий меросини ўрганиш, моддий ҳамда номоддий меросини тўплаш, сақлаш, намойиш этиш ва келажак авлодга етказиш бўйича амалга оширилаётган давлат дастурларининг бажарилишига хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** XIX – XX аср бошларига оид Ўзбекистон этномаданий меросини сақлаш, тадқиқ этиш ва намойиш этиш масалаларини ўрганиш асосида олинган қуйидаги натижалар жорий этилган:

Ўзбекистон тарихи давлат музейи этнография фонди коллекцияларини илмий ўрганиш ва музей экспозициясидаги этнография бўлимларини Ўзбекистон музейларида фаолият олиб борган этнограф олимларнинг экспедициялари натижасида тўпланган этнографик коллекциялар асосида хорижда ташкил этилган музейлар, кўرғазмалар, хориж этнографларининг

ўзбек каштаси, гиламлари, заргарлик намуналари ва бошқа этнографик буюмлар юзасидан олиб борилган тадқиқотлар асосида бойитишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2020 йил 23 сентябрдаги 3/1255-1976-сон далолатномаси). Натижада Ўзбекистон музейларидаги этнографик коллекциялар асосида Этнография музейи концепцияси ишлаб чиқилган;

XIX аср охири – XX аср бошларида яшаган аҳолининг турмуш тарзи, урф-одатлари, моддий ва маънавий тараққиётига оид этнографик коллекцияларни комплекташтиришнинг илмий натижаларидан Ўзбекистон давлат санъат музейининг амалий санъат бўлимида сақланувчи: либос, кашта, заргарлик, мис-кандакорликка оид предметларининг илмий паспорти, карточкаси, топографик рўйхатини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Маданият вазирлигининг 2020 йил 23 январдаги 01-12-10-291-сон далолатномаси). Натижада музей фондидан ўрин олган, илмий жиҳатдан ўрганилган экспонатлар ёрдамида янги мавзули кўргазма ва экспозициялар яратишга эришилган ва музей этнография фонди материалларини тадқиқ этишда илмий асос бўлиб хизмат қилган;

жаҳондаги йирик музейларда Ўзбекистонга оид этнографик коллекцияларнинг тарихий-тадрижий ривожланиш босқичларига оид хулосалардан Ўзбекистон Телерадиокомпаниясининг «Ўзбекистон тарихи» канали орқали музейлар фондларида Ўзбекистонга оид сақланувчи материаллар ҳақидаги кўрсатувларни ташкил этишда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2020 йил 2 мартдаги 02-40-484-сон далолатномаси). Ўзбекистон музейларининг коллекциялари асосидаги маълумотлар томошабинларнинг музейлар фаолиятига доир дунёқарашини бойитиш ва бу соҳада кенгрок тасаввурга эга бўлишига ёрдам берган;

Ўзбекистон этнографиясининг ноёб фонд захираларида сақланувчи коллекцияларнинг таснифига оид маълумотлардан 2018 йил нашрга тайёрланган «Санъат асарларининг физик-кимёвий экспертизаси» ўқув қўлланмасида заргарлик, мис буюмлар, гилам, мато, чинни ва сопол намуналарини визуал экспертизасига оид мавзуларни яратишда фойдаланилган (Ўзбекистон Бадий академиясининг 2020 йил 10 июндаги 01-17/186-583-сон далолатномаси). Тадқиқот натижалари музей фонд намуналарига таянган ҳолда мавзуларни тайёрлаш, уларни бирламчи манбалар асосида илмий хулосаларни кенгайтиришда қўлланилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация натижалари 11 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 4 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола (улардан 5 таси республика ва 5 таси чет эл журналларида) эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, ҳар бири икки фаслдан иборат уч боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 167 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Диссертациянинг кириш қисмида** мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари белгиланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўзбекистон этномаданий меросини ўрганиш тарихшунослиги ва экспозициялаштириш методлари**» деб номланган биринчи бобида этномаданий мероснинг ўрганилиш тарихи, этномаданий меросни тадқиқ қилиш жараёнлари, жаҳон музейларида этнографик коллекцияларни экспозициялаштиришнинг замонавий методлари таҳлил қилинган.

Ўзбекистон этномаданий меросини тўплаш ва тадқиқ этиш тарихи тўрт босқичга бўлиб ўрганилди:

1. Биринчи босқич XIX – XX асрнинг 30-йилларни ўз ичига олади.

XVIII асрнинг иккинчи ярми – XIX аср бошларида Россия ҳукмрон доираларини Марказий Осиё хонликларидаги сиёсий, иқтисодий, ҳарбий аҳвол кўпроқ қизиқтирган эди. Шу боис XIX асрнинг бошларидан Марказий Осиёга ташриф буюрган кўплаб сайёҳ, элчи ва ҳарбийларнинг йўлномалари ҳамда турли мақсадларда уюштирилган экспедиция иштирокчиларининг сафарномаларида ўлка тўғрисидаги дастлабки этнографик маълумотларни учратиш мумкин. Шунингдек, Марказий Осиё хонликларида бўлган рус сайёҳларнинг хотира ва ҳисоботларида нафақат сиёсий-иқтисодий ва ҳарбий маълумотлар, балки ҳунармандчилик соҳалари ҳолати ҳақида ҳам кўплаб маълумотларни ёзиб қолдиришган<sup>18</sup>. Хусусан, дастлаб А. Негри бошчилигида Бухорога юборилган дипломатик миссиянинг аъзолари А. Будрин, Г. Мейендорф ва К. Бутеновлар<sup>19</sup> Марказий Осиё хонликларининг Россия империяси билан ўзаро савдо алоқалари, ҳунар турлари, ҳунармандчилик устахоналари ва уларда тайёрланадиган буюмлар ҳақида маълумот ёзиб

<sup>18</sup> Российско унтер-офицера Ефремова, ныне коллежского ассесора, десятилетнее странствование и приключения в Бухарии, Хиве, Персии и Индии и возвращение оттуда через Англию в Россию, писанное им самим. СПб, 1786.; Путешествие Т.С.Бурнашева от Сибирской линии до города Бухары в 1794 г. И обратно в 1795 г. // Сибирский вестник. 1818. № 3.; Поездка Поспелова и Бурнашева в Ташкент в 1800 г. Примечания Я. Ханькова // Вестник РГО. Кн. 1. Ч. 1. Отд. 1У. 1851.

<sup>19</sup> Будрин А. Русские в Бухаре в 1820 году. (Записки очевидца). Справочная книжка Оренбургского края на 1871 год. Оренбург, 1871.; Мейендорф Г. Путешествие из Оренбурга в Бухару в 1820 году. Москва: Наука, 1975; Бутенов К. Заводское дело в Бухарии. Монетное дело в Бухарии. Замечание о ковке булата в Бухарии // Горный журнал. Книга 2. Часть 4, 5. 1842.

қолдиришган.

XX асрнинг 1930-йилларида Ўзбекистоннинг Самарқанд, Бухоро ва Тошкент воҳалари ҳамда Фарғона водийсига уюштирилган экспедиция давомида С.М. Дудин томонидан Ўзбекистон халқларининг турмуш тарзига тегишли 2000 дан ортиқ буюмлар, жумладан, меҳнат куроллари, маҳаллий касб-ҳунарларга оид асбоб-ускуналар, кийим-бош ва тақинчоқларнинг ўзига хос кўринишлари, рўзғор буюмлари ва уйнинг ички безакларига оид ашёлар<sup>20</sup> тўплангани борасида ҳам маълумотлар учрайди. Қолаверса, Россия этнография музейининг Ўрта Осиёга оид коллекциялари асосан 1930-йилларда шакллантирилган бўлиб, ҳозирга қадар Ўзбекистон халқлари анъанавий-маиший маданиятига оид қарийб бир аср давомида тўпланган 20 мингдан<sup>21</sup> ортиқ намуналарнинг мавжудлигини айтиб ўтиш мумкин.

1. Мавзуни ўрганиш тарихшунослигининг иккинчи босқичи 1930-1940-йилларда республикада ташкил топган илк музейлар томонидан амалга оширилган тадқиқотларга бағишланади.

Ўзбекистон музейларида этнографик коллекцияларни йиғиш жараёни 1930-1941-йилларга бориб тақалади. Бу борада Л. Левтеева Ўзбекистон тарихи давлат музейи этнографик коллекцияларини 1930-йиллар оралиғида<sup>22</sup> шаклланишини қайд этиб ўтади. Муаллиф XX аср 30-йилларнинг охирига қадар йиғилган музей жамғармаси нафақат Ўзбекистонда, балки Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркманистон, шунингдек, хорижий давлатлар (Эрон, Афғонистон ва бошқа)<sup>23</sup> да олиб борилган экспедициялар жараёнида тўпланганини таъкидлайди. Демак, 1935-1941 йиллар оралиғи коллекцияларни йиғиш даври<sup>24</sup> ҳисобланса, иккинчи жаҳон уруши тугагач, 1945-1949-йиллар экспонатларни илмий ёзиш ва инвентаризация қилиш даври бўлган.

3. 1950-90-йиллар илмий тадқиқотни ўрганишнинг учинчи босқичи ҳисобланади. Бу босқич Ўзбекистон этномаданиятига турлича нуқтаи назардан ёндашувнинг мавжудлиги билан ажралиб туради ва шунга кўра уни уч турга бўлиб кўрсатиш мумкин:

а) музей ходимлари томонидан олиб борилган тадқиқотлар. Музей этнографик коллекциялари тарихчи, археолог, санъатшунос ва музейнинг раҳбар илмий ходимлари томонидан ёритилган бўлиб, йўлкўрсаткич, каталог, экскурсия қўлланма ва мақолаларда асосан музейда мавжуд этнографик предметлар, коллекциялар ҳақида ахборот характеридаги материаллар берилган;

б) этнографлар олиб борган тадқиқотларнинг салмоқли қисми бирор бир этноснинг ҳаёт тарзи билан узвий боғлиқ ҳолда олиб борилган. Жумладан, этнолог Г.Ш. Зунунова ҳам XX асрнинг 50-80-йиллари этнография фани учун

<sup>20</sup> Ўзбекистон маданий мероси муаллифлик туркуми: Россия Этнография музейи тўплами китоб-альбоми. – Т.: Uzbekistan Today, 2016. – Б. 22.

<sup>21</sup> Ўзбекистон маданий мероси. Ўша жойда.

<sup>22</sup> Левтеева Л. Дунган либослари ва тақинчоқлари // Санъат. 2005. № 3-4. – Б. 18.

<sup>23</sup> Левтеева Л. Кўрсатилган асар.

<sup>24</sup> Круковская С.М. В мире сокровищ. – Т.: Из-во литературы и искусства имени Г. Гуляма, 1982. – С. 21.

алоҳида сермахсул давр бўлганини қайд этади<sup>25</sup>;

в) 1950-1990-йиллар Ўзбекистон этномаданий меросининг санъатшунослар томонидан кенг ўрганилган даври ҳисобланади. Жумладан, ўзбек матолари, мато безак ва нақшлари С.М. Маҳкамова, XVI-XVII асрларга оид миниатюраларда Ўрта Осиё аёллар либослари тасвири З.И. Раҳимова<sup>26</sup> изланишларида учрайди. Д.А. Фахретдинова<sup>27</sup> тадқиқотида эса Ўзбекистон амалий-безак санъати, уларнинг турлари, мактаблари, нақшлари, усталар ижодига бағишланган. Айниқса, унинг мис-кандакорлик санъатига оид «Маданга битилган кўшиқ»<sup>28</sup> номли асари алоҳида ажралиб туради.

4. 1991 йилдан то ҳозирги вақтгача бўлган давр тўртинчи босқични ташкил этади. Бу босқичнинг ўзига хос хусусиятларидан бири – бу даврга келиб тадқиқотчилар томонидан хориж музейлари ва коллекциялари тадқиқ этила бошланади. Музей ходимлари ва санъатшуносларнинг йирик лойиҳалари ҳам айнан хориж музейларида сақланаётган Ўзбекистон этномаданий меросини ўрганишга қаратилди.

Музей тўпламларини экспозицияга қўйиш ёки специфик шаклда намойиш этиш музейда тўпланган ёки тарихнинг алоҳида бир даврига оид билимларни ёритиш тамойилига асосланади<sup>29</sup>.

Этнографик экспозиция – биринчи навбатда этномаданий маконни моделлаштиришдир<sup>30</sup>. Тўпланган коллекциялардан янги текст яратиш учун фойдаланмаслик ҳудди янги контекстга уламай туриб, маданий контекстдан чиқариб юборишга ўхшаган маънисизликдир, бу ўз навбатида илмий таърифсиз музей объектларини талқин қилиб бўлмаслигини кўрсатади. Шунингдек, этнографик экспозиция – халқлар ва мамлакатлар орасидаги муносабатларни образли тушуниш натижаси<sup>31</sup>, маданий мулоқот воситаси ҳам ҳисобланади. Бундан ташқари ҳар қандай этнографик экспозиция реконструкция<sup>32</sup> ҳам бўлиб, бироқ ўтмиш ҳаёт тарзи ёки бирор жамоа этнографиясини айнан қайта тиклаш имконияти мавжуд эмас.

Этнографик ихтисосликка эга музейларда қуйидаги методлардан кенг фойдаланилади:

<sup>25</sup> Зунунова Г.Ш. Материальная культура узбеков Ташкента: трансформация традиций (XX – начало XXI в.) – Т.: Extremum-press, 2013. – С. 35.

<sup>26</sup> Маҳкамова С.М. К истории ткачества в средней Азии // Художественная культура Средней Азии. IX-XIII века: сборник статей. – Ташкент: Из-во литературы и искусства имени Г. Гуляма, 1983.; Ўша муаллиф. Абровые ткани Узбекистана конца XIX-XX вв. Автореф. дисс.канд. исст. № 823. – Ташкент, 1970.; Ўша муаллиф. Художественные ткани Узбекистана (полосатие и абровые) конца XIX- XX вв. Дисс. канд. наук. по исст. – Ташкент, 1969.; Раҳимова З.И. Среднеазиатский женский костюм на миниатюрах Мавераннахра XVI-XVII вв. // Культура Среднего Востока. Изобразительное и прикладное искусство. – Т.: Фан, 1990. – С. 135-151.; Ўша муаллиф. XIX охири – XX аср боши Фарғона аёллари анъанавий либоси // Санъат. № 3. 2015.

<sup>27</sup> Фахретдинова Д.А. Декоративно-прикладное искусство Узбекистана. – Ташкент: Гафура Гуляма, 1972. – 162 б.

<sup>28</sup> Абдуллаев Т., Фахретдинова А., Ҳакимов А. Маъданга битилган кўшиқ. – Тошкент: Гафур Ғулум номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1986.

<sup>29</sup> Сэндал Е. Включенный Другой – оксюморон современных этнографических коллекций? Музей как институт колониализма / Этнографические музеи сегодня. Антропологический форум. 2007. № 6. – С.91.

<sup>30</sup> Лысенко О. Этнографические музеи сегодня. Антропологический форум. 2007. № 6. – С. 69.

<sup>31</sup> Сиим А. Деклассификация фондов. Общие и африканистические замечания / Этнографические музеи сегодня. Антропологический форум. 2007. № 6. – С. 83-84.

<sup>32</sup> Этнографические музеи сегодня. Антропологический форум № 6. – С. 127-128.



1. *Ансамбль методи* – бу кўп сонли, айниқса, этнографик музейлардаги бош метод ҳисобланиб, асосий эътибор интерьерни акс эттиришга қаратилади. Мазкур методнинг асосий мақсади – алоҳида тарихий даврга оид предметнинг маиший муҳитдаги ўрнини ҳужжатли асосда қайта тиклаш ва сақлаш ҳисобланади.

2. *Тематик (мавзули) метод* – факт, ҳодиса, жараён ва унинг диалектик ривожланишини хронологик ёки муаммоли томондан кўриб чиқади. Музей предмети – бу ерда маълум бир ғояни ифодалайдиган восита. Методнинг асосий тузилмавий бирлиги – мавзули экспозицион мажмуа ҳисобланади. Бу метод XX асрнинг 20-йилларида тарихий музейларда пайдо бўлган.

3. *Шартли сахна* – музейда мавжуд предмет ва коллекциялар ёрдамида бирор мавзу сахнаси яратилади. Аммо реал воқеилик ва фактлар айнан мазкур сахна билан мувофиқ бўлмаслиги мумкин. Музей фонд материалларидан келиб чиққан ҳолда шартли тарзда умумлашма образ яратилади.

4. *Диорама* – тасвирни фақат дераза томондан кўриш имконини беради (уч томонлама диорама альков диорама деб аталади). Уни ярим доира ёки тўртбурчак хона деворига жойлаштириш мумкин. Диорамалар панорамалар каби катта майдонларни эгалламаганлиги сабаб табиий музейларда кўп учрайди<sup>33</sup>.

5. *Комплекс методи* – музей экспозицияси, кўргазма яратишда мавзуга доир барча предмет, восита ва шакллар ёрдамида умумлашма образ, муҳитни ҳосил қилишга қаратилган метод ҳисобланади.

6. *Иллюстратив метод* – фото, иллюстрация, тарихий ҳужжат, баннерлардан фойдаланган ҳолда экспозиция, кўргазма яратиш.

7. *Моделлаштириш методи* – этнографик ихтисосликдаги музейларда турар-жойлар, бирор объект, плантациялар, географик муҳитнинг айна кўринишини кичрайтирилган масштабда ифодалайди.

Тадқиқотнинг тарихшунослик таҳлилига кўра, Ўзбекистон маданияти тарих, этнография, санъатшунослик, ўлкашунослик, этнография, маданиятшунослик бўйича тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, музейшунослик нуқтаи назаридан ўрганилмаганлиги билан ажралиб туради. Хусусан, ўрганилаётган тадқиқотнинг XIX – XX аср бошларига оид хориж ва республика музейларида сақланаётган моддий ва номоддий меросни тадқиқ этиш мазкур даврда яшаган халқлар турмуш тарзи, маданияти, эътиқоди, машғулоти, кийим-кечак, тураржой, уй-рўзғор буюмлари ҳақида тўлақонли ва ҳаққоний маълумотлар олиш имкониятини вужудга келтириши ҳамда келажак авлодларга етказиш имконияти билан долзарблигини кўрсатади.

Ўзбекистоннинг турли ихтисослик музейлари, хорижда сақланувчи этнографик коллекция ва предметларини экспозицияга қўйиш методлари тадқиқ этилмаган. Бу эса замонавий методлар асосида Ўзбекистон этнографиясини яхлит ва барча қирраларини намоиш этувчи музей

<sup>33</sup> Музееведение: учеб. пособие для студентов специальности 031502 – музеология / Л. Г. Гужова [и др.]; под. ред. доц. Н. В. Мягиной; Владим. гос. ун-т. – Владимир: Изд-во Владим. гос. ун-та, 2010. – С.95-100.

яратилишининг янада долзарб аҳамиятга эгаллигини кўрсатади.

Диссертацияни иккинчи боби «**Республика ва жаҳон музейларида Ўзбекистон этнографиясига оид коллекцияларнинг тарихий-маданий жиҳатлари**» деб номланиб, унда турли ихтисосликка эга республика музейларида сақланувчи Ўзбекистон этномаданиятининг моддий кўринишлари тавсифи, хориж музейларида Ўзбекистонга оид этнографик коллекцияларининг экспозицион кўринишлари таҳлилга тортилган.

Тадқиқотда Ўзбекистоннинг 60 дан ортиқ турли ихтисосликдаги *тарих, ўлкашунослик, бадиий, уй-музей, мемориал музейлар, мусиқа, адабиёт, музей-қўриқхоналар, мажмуа музейлар ва бошқа* музейларидаги этнографик коллекция, предмет ва экспозициялар ўрганилиб, таҳлил қилинган. Жумладан, Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Ўзбекистон давлат санъат музейи, Ўзбекистон амалий санъат ва ҳунармандчилик тарихи давлат музейи, Темурийлар тарихи давлат музейи, Ўрол Тансиқбоев уй-музейи, Ойбек уй-музейи, Сергей Бородин уй-музейи, Юнус Ражабий уй-музейи, Абдулла Қаҳҳор уй-музейи, Сергей Есенин музейи, Мухтор Ашрафий уй-музейи, Тамара Ханум уй-музейи, Ғафур Ғулом уй-музейи, Қатағон қурбонлари хотираси музейи, Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи, Қуролли кучлар музейи, Олимпия шон-шўхрати музейи, Қорақалпоғистон тарихи ва маданияти давлат музейи, И.В.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейи, Хива «Ичан қалъа» давлат музей-қўриқхонаси таркибига кирувчи Мусиқа тарихи музейи, Худойберган Девонов фото кўргазмаси, Мадраса тарихи музейи, Меннонитлар тарихи музейи, Ҳунармандчилик тарихи бўлими, Навоий вилоятининг Навоий вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи, Кармана туманидаги Қосим Шайх мажмуа музейи, Кармана тумани Мавлоно Ориф Деггароний тарихий музейи, Қизилтепа тумани тарихий-ўлкашунослик музейи, Бухоро давлат бадиий-меъморий музей-қўриқхонасининг Бухоро тарихи музейи, «Арк» вилоят ўлкашунослик музейи, Мохи-Хосса амалий безак санъати музейи, Бой савдогар хонадони уй-музейи, Гиламбофлик музейи, Темирчилик ҳунари тарихи музейи, Қашқадарё вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи, Абдулла Орипов музейи, Амир Темур номидаги Шаҳрисабз шаҳар Моддий маданият тарихи музейи, Шаҳрисабз мақом музейи, Сурхондарё вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи, Термиз Археология музейи, Самарқанд давлат бирлашган тарихий-меъморий ва бадиий музей-қўриқхонасининг Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейи, Самарқанд вилоят ўлкашунослик музейи, Жиззах вилояти тарихи ва маданияти музейи, Ҳамид Олимжон ва Зулфия ёдгорлик-музейи, Шароф Рашидов музейи, Шароф Рашидов уй-музейи, Сирдарё вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи, Олмалик шаҳар ўлкашунослик музейи, Оққўрғон туман тарих ва ўлкашунослик музейи, Ангрен шаҳар тарихи музейи, Фарғона вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи, Ғафур Ғулом номидаги Фарғона вилояти Адабиёт музейи, Қўқон маданияти тарихи давлат музейи, Қўқон тарихи ва маданияти музейининг Амалий санъат музейи филиали, Ҳамза Ҳакимзода музейи, Андижон вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи, Андижон вилоят Адабиёт ва санъат музейи,

Крепость мемориал мажмуаси, Бобур уй-музейи, Бобур ва жаҳон маданияти музейи, Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи ва бошқалар.

Юқорида санаб ўтилган музейларда 70 000 дан зиёд этнографик предмет ва коллекциялар сақланади. Улардан сопол буюмлар – 5000, металл – 2000, чинни – 1000, қурол-яроғ – 500, кашта – 3000 та, заргарлик – 2500, кийим-кечак – 10 000, гилам – 300, уй-рўзғор – 1000, меҳнат қуроллари – 500<sup>34</sup> намуналари тадқиқот давомида кўриб чиқилган.

Шунингдек, хориж музейларидан Кунсткамера, Россия этнография музейи, Эрмитаж музейи (Санкт-Петербург), Шарқ давлат музейи, Давлат тарихи музейи (Москва), Виктория ва Альберт музейи (Лондон), Япония Этнография (Осака шаҳри) музейи, Берлин Этнография музейи (Германия), Франция Бранли қирғоқбўйи (Париж) музейлари тадқиқ этилган. Жумладан, Шарқ давлат музейида XIX аср охири – XX аср бошларига оид 50 дан ортиқ матолар, 70 дан зиёд аёл ва эркак чопонлари, 200 та бош кийим, 272 та сўзана (Бухоро, Самарқанд, Нурота, Шаҳрисабз, Китоб, Қарши, Тошкент, Жиззах), 200 дан ортиқ заргарлик буюмлари (Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива), 200 дан ортиқ бадий металл (Бухоро, Хива, Кўкон, Қарши, Тошкент, Самарқанд), 450 га яқин қулочилик<sup>35</sup> намуналари сақланади.

Россия этнография музейида Ўзбекистон халқларининг турмуш тарзи ва маданиятига тегишли 2000 дан зиёд буюмлар, шу жумладан, Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Фарғона худудига хос турли меҳнат қуроллари, касб-ҳунарларга оид ускуна-ашё, кийим-бош, тақинчоқлар мавжуд.

Кунсткамера музейида Марказий Осиё халқларига оид 13 мингдан зиёд<sup>36</sup> предметлар мавжуд.

XIX-XX аср бошларига оид Ўзбекистон этномаданий мероси жаҳоннинг Россия, Германия, АҚШ, Англия, Япония ва бошқа давлатларнинг йирик музейлари коллекцияларида, шахсий тўпламларида сақланади. Бу давлатларда XIX-XX аср бошларига оид этнографик коллекцияларнинг йирик ҳажмда тўпланишига сабаб қуйидаги омиллардир:

1. Ўзаро дипломатик алоқалар натижасида шаклланган, жумладан, Бухоро амирининг Россия императорига юборган совғалари Россия музейлари (РЭМ, Эрмитаж) фондларида сақланади;

2. АҚШ, Англия, Германия музейлари ва шахсий тўпламларида сайёҳлар, ихлосмандлар томонидан XIX аср охири – XX аср бошларида бозорларидан сотиб олинган этнографик предметлар;

